



«Тасдиқлайман»

«Qo'qon Biokimyo» AJ директори

Д.Н.Ярикулов

2024 йил

**«Qo'qon Biokimyo» AJ да Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш юзасидан ўтказилган тадбир.**

### **БАЁННОМАСИ №4**

2024 йил 23 декабрь

Қўқон шаҳри

**Йиғилиш раиси:**

**«Qo'qon Biokimyo» AJ монополияга қарши  
комплаенс тизими бўйича ваколатли  
шахс Х.Ҳазратов.**

**Йиғилиш котиби:**

**Режалик таъмирлаш бўйича муҳандис  
Б.Абдуғаффоров**

**Қатнашдилар :** «Qo'qon Biokimyo» AJ Бошқарув бўлими, Спирт цехи, Сув ва оывава сувлар цехи, Углекислота ва компрессорлар цехи, Механика ва таъмирлаш цехи, Спирт ва эаф омбори, Темир йўл ва Ртанспорт хизмати, Қурилиш таъмирлаш цехи, Спорт соғломлаштириш комплекси, Тиббий хизмат, Маъмурий хўжалик бўлими, Метрология ва НЎУ ваА бўлими, АТС ва ИТ бўлими, Эливатер 65 – нафар корхона ишчи-ходимлари.

**Ўтказилган вақт ва жой 11. 00 да, «Qo'qon Biokimyo» AJ мажлислар зали**

### **КУН ТАРТИБИ:**

- 1. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш.**
- 2. Ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш.**



Кун тартибидаги масала юзасидан «Qo'qon Biokimyo» AJ монополияга қарши комплаенс тизими бўйича шахс Х.Ҳазратов кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди: Дастлаб, бугун юртимизнинг ҳар бир соҳасида жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари сафидан барқарор ўрин эгаллаш, тинч ва фаровон келажак пойдеворини мустаҳкамлаш мақсадида жадал ислоҳотлар кечмоқда, янгиланиш-

юксалишлар давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси вазирлар мажмасынинг 2021 йил 2 март кунги “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 114-сонли қарори қабул қилиниб рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётида афилланган шахсларни хўжалик фаолиятни амалга ошириш ваколатлари берилган таъсисчиларни вертикал келишувларга йўл қўймаслик, монопол турдаги маҳсулот етказиб нарх шакллантиришини таҳлил қилиб бориш (монопол юқори нарх, монопол паст нарх ўрнатилишига йўл қўймаслик). Истеъмолчиларга этил спирти етказиб беришда белгиланган тарифлар тўғри қўланилишини назорат қилиш. Жамиятда этил спиртини истеъмолчиларга сотиш учун тузилган шартномаларда рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар йўл қўймаслик. Мунтазам равишда корхонанинг тегишли бўлим мутахассислари тамонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини



мониторинг ва таҳлил қилиб бориш, бўлим ва цех бошлиқлари монополияга қарши қонунчилик бузилиш ҳолатлари юзасидан монополияга қарши комплекс тизими бўйича ваколатли шахсга хабар бериш, ваколатли шахс эса ушбу хабар юзасидан корхона директориغا билидиришнома киритиши



лозимлига ҳақида барча йиғилиш қатнашчиларига тушунтириш ишлари олиб бориб, Ўзбекистон Республикасининг рақобат тўғрисидаги қонунининг мазмун-моҳиятини таништириб ўтилди.

Йиғилиш якунида йиғилиш қатнашчилари тамонидан берилган саволларга монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс тамонидан батафсил маълумотлар берилди.

### **ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- 1. Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахснинг Ўзбекистон Республикасининг рақобат тўғрисидаги қонуннинг мазмун моҳияти юзасидан маърузаларни ўрганиш ва ижро учун қабул қилинсин.**
- 2. Рақобат тўғрисидаги қонуннинг мазмун моҳиятини ўрганиш тадбирлари сифатини янада ошириш бўйича доимий назорат ўрнатилсин.**

Йиғилиш раиси:

Х.Ҳазратов

Котиб:

Б.Абдуғаффоров